

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 816-ҳадис

816 - عَنْ عَمْرٍو بْنِ شُعْبٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ أَنْ يُرَى أَتْهُرُ نِعْمَتِهِ عَلَى عَبْدِهِ» رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ .[2819]

816. Амр ибн Шуъайб отасидан, отаси эса бобосидан қилган ривоятда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, Аллоҳ Үз неъмати асарини бандасида кўрмоқни суюди», дедилар.

Ином Термизий ривояти. Уни ҳасан ҳадис, дедилар.

Шарҳ: Бошқа бир ҳадисда қуйидагича келади:

Абул-Аҳвас розияллоҳу анҳу айтади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига хароб кийимда келдим. У зот: «Молу мулкинг борми?» дедилар. «Ҳа», дедим. «Қайси молу мулкдан?» дедилар. «Туядан, қўйдан, отдан ва қулдан», дедим. «Аллоҳ сенга молу дунё берар экан, Аллоҳнинг сенга берган неъматининг ва икромининг асари кўринсин!» дедилар».

(Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган).

Ушбу ҳадиси шарифнинг ривоятчилари Абул-Аҳвас розияллоҳу анҳу каби юриштуришига унча эътибор бермайдиган одамлар тез-тез учраб туради. Баъзи бир кишилар ўзига тўқ, молу дунёси ошиб-тошиб ётган бўлса ҳам, хароб кийимларни кийиб, исқирт бир ҳолда юрадилар. Мана шу ҳам, динимиз таълимотларига тўғри келмаслигини ушбу ҳадиси шарифдан тушуниб олмоқдамиз.

Эътибор берадиган бўлсак, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бу масалани Абул-Аҳвас розияллоҳу анҳунинг мисолида ажойиб услугуб ила

муолажа қилмоқдалар. Келинг, ҳамма нарса қандоқ бўлганини қиссанинг қаҳрамонидан яна бир бошдан эшитиб, таҳлил қилайлик:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурлариға ҳароб кийимда келдим».

Абул-Аҳвас розияллоҳу анҳу кийимлари қандай эканлигини тушуниб етар эканлар. Ўша сафар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам олдилариға арзимас кийимда келганларини ўзлари эътироф қилмоқдалар. У кишини бу ҳолда кўрган Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қандоқ муомала қилдилар? У зот:

«Молу мулкинг борми?» дедилар».

Эҳтимол, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиндан Абул-Аҳваснинг бойликлари борлигини биларлар. Лекин шундок бўлса ҳам яхши кийиниб юришни англатиш таъсирили чиқиши учун, у кишининг ўзини иқор қилиш мақсадида қасдан сўрагандирлар? Шунинг учун ҳам, Абул-Аҳваснинг «ҳа» деб жавоб берганига қарамасдан яна:

«Қайси молу мулқдан?» дедилар.

Яъни, унинг молу мулки борлигини эмас, балки бойлигининг миқдорини зохир қилмоқчи бўлдилар. Шунда Абул-Аҳвас розияллоҳу анҳунинг турини зикр этди:

«Туядан, қўйдан, отдан ва қулдан», дедим».

Ҳа, у киши анчагина бой-бадавлат одам экан. Ана шу ҳақиқатни Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Абул-Аҳвас розияллоҳу анҳунинг ўзига айттириб олганларидан, унинг эътирофини эшигланларидан кейин асосий мақсадга ўтдилар:

«Аллоҳ сенга молу дунё берар экан, Аллоҳнинг сенга берган неъматининг ва икромининг асари кўринсин!» дедилар».

Демак, Аллоҳ бирор бандага бойлик берган бўлса, унга Ўз неъматини берган ва уни икром қилган бўлар экан. Ўша неъмат ва икромнинг асари мазкур бандада кўриниб турмоғи лозим экан. Уларнинг бандада кўринишининг бир тури яхши кийимлар ила намоён бўлар экан. Чунки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бу гапларни Абул-Аҳвас розияллоҳу анҳунинг кийимлари ҳароблигини кўриб туриб айтмоқдалар.

Яхши кийим кийиш имкони бўлиб туриб, ҳароб кийимларни кийиб юриш мусулмон одамга тўғри келмас экан. Аллоҳ молу дунё берганидан кейин уни ҳалол йўлларга ишлатиш керак. Жумладан, шариат кўрсатмасига мувофиқ

яхши кийиниш керак. Ислом дини мусулмонларга яхши кийинишни ҳаром қилмаган. Нималарни кийиш мумкин эмаслиги баён қилинганидан кейин, кийиниш кибр-ҳаво, манманлик учун бўлмаслигини таъкидлаган, холос.

Ана ўша чегарага риоя қилган ҳолда ушбу ҳадиси шарифга амал қиласорк, Аллоҳ берган неъматнинг асарини кўрсатиш учун яхши кийиниб юрмоқ лозим.

Манба: hadis.islom.uz

